
Фуқаролар муурожаатлари доимий етиборда

Бугун Олтиариқ туман ҳоқимлигида Фарғона вилояти ҳоқими томонидан тасдиқланган режа асосида " Вилоят шаҳар ва туман ҳоқимликларининг қуйи тизимларида жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш ҳамда уларнинг ижобий хал этилишини таъминлаш масалаларига бағишланган ўқув-семинар" бўлиб ўтди. Унда ҳоқимлик бўлимлари, банк, молия, солиқ, таълим, соғлиқни сақлаш, архитектура ва шаҳарсозлик, кадастр агентлиги, маҳалла ва нурунийларни қўллаб -қувватлаш бўлимларининг девонхона мудирлари, ижро интизоми учун масъул ходимлари иштирок этдилар. Ўқув - семинарда вилоят ҳоқимлиги Девонхона мудир Маърифат Ахунжонова - иш юритиш, ёзма ва оғзаки муурожаатлар билан ишлаш, фуқароларнинг қабулини ташкил этиш ва ижро интизоми билан боғлиқ масалалардаги масъулларнинг вазифалари тўғрисида маълумотлар берди. Ходимларнинг фуқаролар муурожаатлари ҳамда хужжатлар билан ишлашда амал қилишлари зарур бўлган регламентлар ҳақидаги билимлари мустаҳкамланди.

2022-08-23 16:34:37